

Ер майдонлари ажратиб берилмоқда



Оилалар даромадини ошириш мақсадида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган оилаларга ғалладан бўшаган майдонлардан такрорий экин экиш учун 20 сотихдан ер ажратиб берилмоқда.

Ажратилаётган ер майдонларига бозоргир маҳсулотлар экиш бўйича тавсиялар берилиб, келгусида оилалар ўз даромадларини шакллантириш орқали яшаш шароитларини яхшилашга хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди.

Бу борадаги ишлар барча маҳаллаларда давом этмоқда ва келгусида ажратилган ер майдонларидан самарали фойдалниш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан назорат олиб борилади ҳамда зарурий ёрдамлар кўрсатилади.

Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати